



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ

**1992-2022 ЙИЛЛАРДА ЮРИДИК СОҲАДА ФАН
ДОКТОРИ (DSc) ВА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН
МУТАХАССИСЛАР ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТНОМА**

Тошкент – 2022



УЎК
КБК
С-

Масъул мұхаррір:

А.Х. Саидов – академик, юридик фанлари доктори, профессор

Тузувчилар:

М.Т. Турғунов – ю.ф.д, катта илмий ходим;

А.А. Туляганов – ю.ф.д, профессор;

О.Р. Сулайманов – ю.ф.д, доцент;

Ж. Тошқұлов – ю.ф.д, профессор;

М.Х. Баратов – ю.ф.д, профессор;

А.Қ. Худойбердиев – ю.ф.д, профессор.

Такризчилар:

О.Оқюлов – ю.ф.д, профессор;

Н.П. Азизов – ю.ф.д, профессор.

Мазкур нашрда 1992-2022 йилларда фан доктори (DSc) ва Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассислар түғрисида маълумот берилген. Шаклан ва мазмунан шуни айтиш мүмкінки, нашр нафақат ахборот берувчи, балки мавжуд ҳолаттинг ўзига хос кўзгуси ҳамдир.

Ушбу тўпламдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилди.

Тўплам мавжуд диссертацияларнинг тадрижий кетма-кетлиги, ихтиносликлар кетма-кетлигига жойлаштирилди. Зеро, бунда ўқувчига қурайлик туғдириш максад қилиб олинган. Нашр йўналишларни танлашда, таълим ва илмий ташкилотларнинг давлат ва хукуқ соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлашга муайян маънода хизмат қиласи.

Нашр магистрлар, тадқиқотчилар, илм-фан билан шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN

© Фанлар академияси Давлат ва хукуқ институти.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш сүзи	5
12.00.01 - Давлат ва хуқук назарияси ва тарихи. Хуқуқий таълимотлар тарихи (юридик фанлар докторлари)	7
12.00.01 - Давлат ва хуқук назарияси ва тарихи. Хуқуқий таълимотлар тарихи (фалсафа доктори (PhD))	13
12.00.02 - Конституциявий хуқук. Маъмурий хуқук. Молия ва божхона хукуки (юридик фанлар докторлари)	32
12.00.02 - Конституциявий хуқук. Маъмурий хуқук. Молия ва божхона хукуки (фалсафа доктори (PhD))	39
12.00.03 - Фуқаролик хукуки. Тадбиркорлик хукуки. Оила хукуки. Халқаро хусусий хуқук (юридик фанлар доктори)	62
12.00.03 - Фуқаролик хукуки. Тадбиркорлик хукуки. Оила хукуки. Халқаро хусусий хуқук (фалсафа доктори (PhD))	71
12.00.04 - Фуқаролик процессуал хукуки. Хўжалик процессуал хукуки. Ҳакамлик жаҳёни ва медиация (юридик фанлар докторлари)	108
12.00.04 - Фуқаролик процессуал хукуки. Хўжалик процессуал хукуки. Ҳакамлик жаҳёни ва медиация (фалсафа доктори (PhD))	108
12.00.05-Мехнат хукуки. Ижтимоий таъминот хукуки (юридик фанлар докторлари)	110
12.00.05-Мехнат хукуки. Ижтимоий таъминот хукуки (фалсафа доктори (PhD))	110
12.00.06-Табиий ресурслар хуқуки. Аграр хуқук. Экологик хуқук (юридик фанлар докторлари)	112
12.00.06 - Табиий ресурслар хуқуки. Аграр хуқук. Экологик хуқук (фалсафа доктори (PhD))	113
12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Хуқуқни муҳофазақилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура (юридик фанлар докторлари)	120
12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Хуқуқни муҳофазақилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура (фалсафа доктори (PhD))	121

12.00.08 - Жиноят ҳуқуки. Ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуки (юридик фанлар докторлари)	123
12.00.08 - Жиноят ҳуқуки. Ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуки (фалсафа доктори (PhD))	130
12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидиув ҳуқуқ ва суд экспертизаси (юридик фанлар докторлари)	159
12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидиув ҳуқуқ ва суд экспертизаси (фалсафа доктори (PhD))	163
12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ (юридик фанлар докторлари)	182
12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ (фалсафа доктори (PhD))	184
12.00.11 - Парламент ҳуқуки (юридик фанлар докторлари)	197
12.00.11 - Парламент ҳуқуки (фалсафа доктори (PhD))	197
12.00.13 - Инсон ҳуқуқлари (DSc - Юридик фанлар)	197
12.00.14 - Ҳуқукбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини таяминлаш. Пробация фаолияти (фалсафа доктори (PhD))	198

“Назария қуруқдир дўстим,
лекин яшинар ҳаёт дараҳти”.
Гёте

Кириш сўзи

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Президенти мухтарам Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган таълим соҳасидаги ислоҳотлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Фикримизча, ҳар қандай ислоҳотларни амалга ошириш З устунга асосланади, бу устунлар – **замонавий АҚТ технологиялари, креатив ўқув дастурлари ҳамда педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жарайёнлари**дир. Бу устунларнинг ҳар бири бир бирини мантикий тўлдириб туради.

Мазкур тизимнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида унга яна бир устунни қўшиш мақсадга мувофиқдир. У ҳам бўлса олим ва педагогларнинг илмий ижод билан шуғулланишидир. Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз ва жамиятимизнинг турли жабҳаларининг ривожлантиришга қаратилган фан докторлиги ва фан номзодлиги, кейинчалик **фан докторлиги (DSc) ва Фалсафа докторлиги (PhD)** бўйича диссертациялар ҳимоя қилинди, уларнинг ҳар бири илм-фаннинг маълум бир йўналишига бағишланган бўлиб, жамоатчиликда катта қизиқиши йўғотиши табиийдир.

Эътиборингизга хавола этилаётган “**1992-2022 йилларда фан доктори (DSc) ва Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассислар тўғрисида маълумот**”га бағишлиланган нашр қўлёзмаси (202 бет)ни варақлар эканмиз, беихтиёр барчамизнинг кўз ўнгимизда илмий ишимизни ҳимоя қилган давримиз, ҳимоя қунги ҳолат, Кенгаш аъзолари, кворум ва микрокворум каби мухим ҳолатлар намоён бўлиши табиий.

Мухими, давлат мустақиллигининг ўтган йиллари мобайнида илм-фанда амалга оширилган тадқиқотлар ўзининг салмоғи, кўлами, мавзуларнинг ранг-бараанглиги билан, тан олиш керак, юриспруденцияда маълум бир қадамлар ташланганини кўрсатади.

Ўнлаб илмий ва таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган Илмий кенгашларда **14 та** юридик ихтисослик; **3 та** тармоқлараро ихтисослик; Илмий кенгашда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг умумий сони – **925 тани**, шу жумладан, фан доктори (DSc) – **203 тани**; (PhD) – **722 тани** ташкил этган. Савол туғилади: 36 млн.дан ортиқ нуфусга эга бўлган мамлакатимиз учун бу – кўпми, камми?

Аслида, давлатнинг – давлатлиги, жамиятнинг – жамиятлиги, илм-фаннинг – илм-фانлиги адад билан эмас, амалга оширилган тадқиқотларнинг амалиётга, хусусан, юриспруденция кесимида олганда, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, норма ижодкорлигига, келгусидага тадқиқотларга нечоғли методологик вазифани ўтаганида билинади.

Нима бўлганида ҳам, ўтган йиллар мобайнида дунё юзини кўрган тадқиқотлар таҳлили шуни қўрсатадики, мамлакатимиз олимлари – илмий жамоатчилик томонидан катта ҳажмдаги иш амалга оширилган.

Мазкур нашрни тайёрлаш жараёнидаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳали олдимиизда қиласидан ишлар беҳисоб. Хусусан, 12.00.01 – Давлат ва хукук назарияси ва тарихи. Хукуқий таълимотлар тарихи ихтисослиги доирасида: 36 та – фан доктори, DSc; 111 та – фан номзоди, PhD илмий даражасида; 12.00.02 – Конституциявий хукуқ. Маъмурий хукуқ. Молия ва божхона хукуки доирасида: 33 та – фан доктори, DSc; 61 та – фан номзоди, PhD илмий даражасида; 12.00.03 – Фуқаролик хукуқи. Тадбиркорлик хукуқи. Оила хукуқи. Халқаро хусусий хукуқ ихтисослиги доирасида: 53 та – фан доктори, DSc; 193 та – фан номзоди, PhD илмий даражасида ҳимоя амалга оширилган бир пайтда, нисбатан янги ихтисослик – 12.00.11 – Парламент хукуқи ихтисослиги доирасида: 1 та – DSc; 1 та – PhD илмий даражасида ҳимоя амалга оширилган. 12.00.13 – Инсон хукуқлари ихтисослиги доирасида – 1 та DSc; 12.00.14 – Хукуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Пробация фаолияти ихтисослиги доирасида – 3 та PhD даражасида ҳимоя амалга оширилган, ҳолос.

Шунингдек, ихтисосликлар кесимида нисбат олганда, 12.00.05 – Мехнат хукуқи. Ижтимоий таъминот хукуқи ихтисослигига: 1 та – DSc; 6 та – PhD; 12.00.04 – Фуқаролик процессуал хукуқи. Хўжалик процессуал хукуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослигига: 1 та DSc, 8 та – PhD; 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура ихтисослигига: 3 та – DSc, 8 та – PhD илмий даражасида ҳимоя қилинганилиги аниқланди.

“Таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш” интеграциясини таъминлаш муҳим вазифадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, **“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқсаю ягона тўғри йўлидир”**.¹

Хуллас, мазкур нашр нафақат аҳборот берувчи, балки мавжуд ҳолатнинг ўзига хос кўзгуси сифатида ҳам намоён бўлиши табиийдир.

Қадрли ўқувчи! Мазкур тўплам мавжуд нашрларнинг тадрижий кетма-кетлиги, ихтисосликлар кетма-кетлигига жойлаштирилганлигига эътибор беринг. Зеро, бунда ўқувчига қулайлик туғдириш асосий мақсад қилиб олинган.

Ўйлаймизки, нашр сизга диссертациялар билан ишлашда бир қадар қулайлик туғдиради, келгусида йўналишларни танлашда, таълим ва илмий ташкилотларнинг давлат ва хукуқ соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлашга муайян маънода хизмат қиласиди.

Акмал Саидов

Академик,

Ўзбекистон Фанлар академияси

Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 20.12.2022 йил // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.